ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА МЎЛ ПАХТА ЕТИШТИРАЙЛИК

● *МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ҲОЗИРДАН ТАЙЁРЛАЙЛИК.* ● ҚАТОР ОРАЛАБ, ҒЎЗАЛАРНИ ШАМОЛЛАТИШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК. ● КЎСАКЛАРНИ ТЕЗРОҚ ОЧИЛТИРИБ ОЛАЙЛИК.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 165 (4624).

22 АВГУСТ СЕШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСда

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезднинг Директиваларига ва СССРнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, шунингдек врачлар, ўқитувчилар, мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг моддий фаровонлигини ошириш, уларнинг соғлиқни сақлаш ва маориф соҳасида қўйилган амалий вазифаларни бажаришдан манфаатдорлигини кучайтириш ҳамда соғлиқни сақлаш ва маориф муассасаларида ишлаш учун малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб врачлар, ўқитувчилар ва мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг ставкалари ва мансаб окладларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Врачлар, ўқитувчилар ва мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг иш ҳақини ошириш билан бирга ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника таълими ўқув юртлари муаллимларининг, мактаблардаги ва бошқа маориф муассасаларидаги тарбиячилар, катта пионер вожатийларининг, касалхоналар, поликлиникалар, амбулаторияларнинг, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, болалар боғчалари, болалар уйлари, интернатлар раҳбарларининг, шунингдек район соғлиқни сақлаш ва маориф органлари инспекторларининг иш ҳақи ҳам оширилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш, халқ маорифини ҳар томонлама ривожлантириш ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш савиясини ошириш юзасидан КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

СССР Министрлар Совети 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртларининг илмий даражаси бўлмаган муаллимлари мансаб окладларини бирмунча ошириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Тошкент областининг пахтакор совхозлари ходимлари бедадан сенаж тайёрлаш социалистик мажбуриятини бажардилар. Ҳандоқларга 23.800 тонна ширали озуқа жойлаб қўйилди.Бу—топшириқда белгиланганидан 10 минг тонна кўпдир. 1-«Пскент», 2-«Пскент», 1—«Далварзин» совхозларида ва бошқа хўжаликларда ҳар бир сигирга салкам 5 тоннадан сенаж ғамлаб олишди.

Область пахтакор совхозлари фермаларининг меҳнатчилари бу йил сенаж тайёрлашни 25 минг тоннага етказиш юзасидан оширилган мажбурият олдилар.

(ЎзТАГ).



ПИСКЕНТ районидаги 1-«Пискент» совхозининг Қўчқор Раҳимов бошлиқ звеноси аъзолари ҳар гектар ердан 32 ўрнига 38 центнердан «оқ олтин» топширишга бел боғлашган. Шу кунларда звено аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттиришяпти. Суратда: тажрибали сувчи Назир ота Қурбонбоев ва звено бошлиғи Қўчқор Раҳимов.

С. Безносов фотоси.

АГРОНОМ БРИГАДИР

(ЛАВҲА)

Навоий номли колхознинг биринчи участкаси ўртасидан кесиб ўтган канал бўйлаб борар эканмиз нигоҳимиз чап томондаги пайкалга тушди. Гўё кўз ўнгимизда кўк денгиз намоён бўлган эди. У кечки эсган шабадада тўлқинланади.

Бу пахтазор Раҳмонжон Машрапов бригадасига қарашли экан. Унинг бошчилигидаги еттинчи бригадада бундан бир-неча йил муқаддам пахта тайёрлаш плани муттасил бажарилмай келарди. Бригадага ким бошлиқ бўлмасин «айбни» ерга, сув таңқислигига тўнкашарди. Ўша кезлари Раҳмонжон ҳар куни ўз машинасини шу пахта далалари бўйлаб ўтган йўлдан ҳайдаб борарди.

«Наҳотки шу ерлардан юқори ҳосил олиш мумкин эмас», деган фикр ўтарди унинг ҳаёлидан.

Раҳмонжонда кенг далалар бағрида ишлашга меҳр уйғонди.

Бир куни у, «еттинчи бригадага бошлиқ бўлишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаётган эмиш», деган гапни эшитади.

Шу куниёқ ариза ёзиб, раис ҳузурига кириб келди.

Раҳмонжон Машрапов ишни бригада аъзолари билан маслаҳат қилишдан бошлади. Меҳнат интизоми ҳақида жон куйдириб гапирди, бусиз ишлаш мумкин эмаслигига ишонтирди. Колхоздаги илғор пахтакорларнинг тажрибаларини қунт билан ўрганди, мутахассислар маслаҳатларини олди...

Биринчи йилиёқ гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» қўтаришга муваффақ бўлишди. бинобарин ҳосилдорлик қарийб 8 центнерга кўтарилди. Тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги таҳсинга сазовор бўлди. Йигитлишларнинг бирида колхоз раиси Раҳмонжон Машраповни кўрсатиб: «Бизга ана шунақанги азамат йигитлар керак, уларнинг сафини кўпайтиришимиз зарур» деб ҳаммага намуна қилди.

Р. Машрапов бу бригадага кўп йил бошчилик қилолмади. Колхоз правлениеси уни яна камҳосилли участкага ўтказиб юборди. Ўтган йили шу камҳосил участканинг ҳар гектаридан пландаги 25 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштирилди. Жонкуяр пахтакор бу йил 100 гектар майдонга чигит экиб парвариш қиляпти. Шуни айтиш керакки, ғўзалар чинбарг бўлганда дўл уриб кетди. Кўрилган зарар учун давлат томонидан 4 минг сўм маблағ ажратилди. Лекин, моҳир пахтакор ана шу пулни иқтисод қилган ҳолда агротехника қоидаларини амалга ошириб, ғўзаларни парвариш қилди. Натижада дўлдан шикастланган ниҳоллар кўпини бригада далаларидаги шикастланмаган ғўзаларга етиб олди.

Шу кеча-кундузда Машрапов даласидаги ғўзаларни кўздан кечирган киши бўлиқ кўсакларни кўриб қувонади.

—Бригада аъзолари;—дейди Р. Машрапов,— СССР ташкил этилган кунининг 50 йиллик тўйига ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашишаяпти.

Бундай муваффақиятларга эришишнинг яна бир боиси бор: Машрапов пахтачилик бўйича агроном, ишдан ажралмаган ҳолда сиртдан ўқиб, Ленинобод қишлоқ хўжалик техникумининг агрономия бўлимини битирди. Шу билан бирга у пахтачилик соҳасида тўпланган илғор тажрибаларни доимо қунт билан ўрганади.

Раҳмонжон Машрапов бригадаси ҳақида сўз юритилганда жон куйдириб ҳалол меҳнат қилаётган Н. Турдимуродова, О. Ҳазратқулова сингари колхозчиларни С. Машрапов, Х. Ўришбоев, Т. Эркигитов каби сувчиларни ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Ҳ.ОТАҚУЛОВ.

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

Оққўрғон бўрдоқибоқарлари юбилейолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб шу йил 1 августгача давлатга гўшт топшириш бўйича 9 ойлик планни 103,8 процент қилиб бажардилар. Пландаги 12120 ўрнига 12587,8 центнер гўшт топширилди.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда Свердлов номли, Калинин номли, «Ленинобод», Энгельс номли, Куйбишев номли, Ҳамид Олимжон номли колхозлар ҳиссаси катта бўлди. Мазкур хўжаликлар чорвадорлари 9 ойлик планларини 110 процентдан 145 процентгача етказиб адо этдилар.

Район бўрдоқибоқарлари ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 307 тонна кўп гўшт топширишди. Ҳозир оширилган мажбурият ҳисобига гўшт топширилмоқда.

Шунингдек, районда давлатга сут топшириш 9 ойлик плани ҳам бажарилди. «Оқ чашма» соҳибалари она-Ватанга 1 августгача 62435,1 центнер серқаймоқ сут топширib, бу соҳадаги планни 108,6 процент бажардилар. Вотинцев номли, Ҳамид Олимжон номли, Киров номли, Свердлов номли, «Ленинград», «Победа», «Ленинобод» колхозларининг сут согувчилари айниқса юқори кўрсаткичга эришдилар.

Район хўжаликларида давлатга сут топшириш қизғин давом этмоқда.

С. МУСТАФОЕВ.

ПЕШҚАДАМ ОЛОВКОРЛАР

Бекобод металлургия заводи цехларида СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик тўйини муносиб кутиб олиш ва зиммага олинган соцналистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун соцналистик мусобақа тобора авж олянти. Унда ишчи-хизматчиларнинг аксарият кўпчилиги иштирок этмоқда. Мусобақа давомида илғор иш усуллари кенг қўлланилянти. Прогрессив технологик жараёнлар жорий қилинянти. Рационализатор ва ихтирочилик ҳаракати янада мавж урмоқда.

Шу туфайли ҳам пўлат эритиш ва прокат ишлаб чиқариш давлат планлари ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Коллектив эришаётган бундай ютуқларда мастер В. Дубов раҳбарлик қилаётган 2-мартен печи оловкорларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Фақатгина ўтган ойда бу печь пўлат эритувчилари пландагидан ташқари 60 тонна металл бердилар.

Прокат цехининг Мустафо Кўчаров бошчилик қилаётган 3-тунука стани бригадаси аъзоларининг ҳам меҳнат натижалари қувончли бўлмоқда. Унга яқин миллат вакиллари аҳил ва иноқ оилани ташкил этиб, фидокорона меҳнат қилаётган бу бригада топшириқни бажаришда цех бўйича энг юксак кўрсаткичга эришяпти. Буни шундан ҳам билса бўладики, бригада цехда 6 ой давомида уч марта социалистик мусобақа ғолиби бўлди. Шу давр ичида пландагига қўшимча ўнлаб тонна прокат ишлаб чиқарилди.

М. РЎЗИМАТОВ.

МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

КПСС XXIV съезди Директивларида белгиланган тадбирларни оғишмай амалга ошириш учун курашаётган колхозимиз деҳқонлари беш йиллигининг дастлабки йили топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Айниқса, ўтган йили янги ерлардан мўл ҳосил етиштиришдаги ишларимиз диққатга сазовордир.

Ишни мусобақа асосида йўлга қўйганимиз сабабли экинлар парвариши яхши йўлга қўйилди. Натижада барча майдонларда ғўзамиз барвақт ҳосилга кириб тез етилди. Мўл ҳосилни йиғиштириб олишга бекамн-кўст тайёргарлик кўрдик. Ҳамма ишлар барвақт тайёрлаб қўйилди. Техника ремонти сифатли бўлди. Ғўза қисқа вақтда дефолиация қилинди. Шу сабабли йиғим-теримда машинадан кўпроқ фойдаланиш имкони яратилди. Пландаги 24 ўрнига 28 центнердан хирмон кўтариб, йиллик план 124 процент адо этилди. Машинада пахта териш плани эса 145 процент бажарилди. Ҳосилнинг 73 процента машиналар ёрдами билан йиғиштириб олинди.

Ўтган йилда эришган ютуқларимиз ортда қолди. Янги ғалабаларни қўлга киритиш йўлида дадил қадам ташладик. Бу йил 1010 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз. Планимиз 24,2 центнердан, мажбуриятимиз эса 31 центнердан пахта олиш. Колхозчиларимиз чигит ерга қадалгандан то шу кунга қадар мусобақа байроғини баланд кўтариб, ҳар гектар ерда, ҳар бир тупда мўл ҳосил етиштириш иштиёқи билан яшамоқдалар. Илғор агротехника қоидаларига амал қилинаётир. Эришилган ютуқларимиз оммалаштирилди. Камчиликлар юзхотирсиз танқид қилинди. Бригада, участкалар ўртасидаги бошланган мусобақа тез-тез текширишдан ўтказиб турилди. Айниқса ғўзани парвариш қилиш, культивациядан чиқариш ва суғоришдаги камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф қилишга колхоз активлари, коммунистлар, комсомолларни сафарбар қилдик.

Яқинда колхозчиларнинг ярим йиллик иш якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ишларимиз оатафсил анализ қилинди. Қайси бригаданинг қандай ишлаётганлиги номма-ном айтилди. Сўзга чиққан колхозчилар юбилей йилидаги ишларимизни янада яхшилаш юзасидан бирқанча қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Биз барча имкониятларимизни ҳисоблаб чиқдик. Ҳосилимизни чамалаб кўрдик. Кейин дастлабки вақтда олинган социалистик мажбуриятда кўрсатилган шартларни ўзгартирдик. Ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойлигида янада кўпроқ меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 31 эмас, камида 35 центнердан пахта топширамиз деган янги мажбурият қабул қилдик. Ҳозирги барча ишлар ана шунга бўйсундирилган.

Колхоз партия комитети, цех партия ташкилоти ва коммунистлар социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришда оммага бошчилик қилишяпти.

Юқорида айтганимиздек, ўтган йили 1800 тонна ёки ялпи ҳосилнинг 73 процентини техника ёрдами билан йиғиштириб олгандик. Ҳосилнинг 94 процента биринчи сортга, 14 процента иккинчи сортга топширилган эди. Шу рақамдан ҳам кўриш мумкинки, ўтган йили пахтамиз эрта етилиб пишди. Шунинг учун ҳам ҳосилнинг асосий қисмини юқори сортларга сотиб, қўшимча даромад олдик.

Бу йил ҳам шундай қиламиз. Ялпи ҳосилнинг 2200 тоннасини ёки 80 процент пахтамизни техника ёрдами билан йиғиштириб олишни планлаштирдик. Бу эса асосий ҳосилни қўл кучи билан эмас, техника ёрдамида йиғиштириб олиш, деган сўздир. Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, ўтган йили йиғим-теримда анча кўп сарф-харажат бўлди. Ишлаб чиқариш планимизга мувофиқ 84 минг 883 сўм сарфланиши керак эди. Амалдаги сарф-харажат 90 минг 539 сўмни ташкил этди ёки 5656 сўм ортиқча сарфланди. Бу йил ҳосилни йиғиб-териб олишга 78 минг 606 сўм сарфлашни мақсад қлиб қўйдик. Бу пландагига нисбатан 20 минг сўм камдир. Агар биз техникадан тўла фойдалана олсак, қўл кучига кетадиган меҳнатни кескин камайтирсак, юқоридаги кўрсаткичга албатта эришамиз.

Ўтган йилги йиғим-теримда йўл қўйилган камчилик шундан иборат эдики, кўпгина терим машиналари яхши ишламади. Бу йил мавжуд терим агрегатларининг ҳаммаси ишга туширилади. Уларнинг иш унумдорлигини оширамиз. Бизда 26 та пахта териш машинаси, 12 та ворохочиститель, 7 та подборщик, 2 та кўрак терувчи, 3 та юк туширувчи машиналарнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилди.

Бу йил механизаторлар икки сменада ишлашади. Бунинг учун етарли кадрга эгамиз. Ёш колхозчилардан 7 киши механизаторлар тайёрлаш мактабларини битириб келишди. Ўтган йили колхозимизда фақат биргина механизатор аёл бор эди. Тожи Соатова 151 тонна пахта терган эди. Бу йил унинг сафдошлари кўпайди. Уч аёл «зангори кема»лар рулини бошқаради. Умарали Маматқулов, Ҳўжамурод Кўчкенов, Илиш Эшонқулов, Мирали Аҳмедов, Қудрат Сатторов каби «зангори кема» капитанлари ўтган йили яхши ишлашди. Кунига 7—8 тоннадан пахта териб туришди. Бу йил ҳам улар зиммаларига оширилган мажбурият олганлар.

Колхозчиларимиз, механизаторларимиз ғўза қатор ораларига ишлов беришяпти. Шу билан бирга йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик кўриш қизғин тус олди. Мутахассислардан 17 киши ажратилди. Улар бир неча кун ичида бригадалардаги ҳосилни аниқлаб, қайси карталарда дефолиацияни қачон бошлашни белгилашади.

Биринчи сентябрдан бошлаб тракторлар бурилиб қайтадиган майдончаларни тайёрлаймиз. Бу ишда икки бульдозер, бир грейдер, битта плуг ишлайди. Одатда ҳар йили биз ғўзани дефолиация қилишда авиациядан фойдаланар эдик. Бу йил эса 4 та ОВХ аппаратига эга бўлган тракторларни сотиб олдик. Энди колхозимиз механизаторлари ғўзани дефолиация қилишни тракторлар ёрдами билан ўтказишга аҳд қилишди. Бу эса сарф-харажатни кескин камайтиради. Ўтган йили ғўза дефолиацияси учун 38 минг сўм тўланган эди. Бу йил бунга кетадиган харажатнинг ҳаммаси 16 минг сўмдан ошмайди.

Биз биринчи сентябрдан дефолиацияни бошлаб уни тезда тамомлаймиз. 12 сентябрдан кечикмай машина теримига киришамиз. Теримчилар учун барча шарт-шароитларни ҳозирдан ҳал қилиб қўямиз.

Х. ПЎЛАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли колхоз раиси.

М. МАМАТҚУЛОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

БЎСТОНЛИҚ ХАБАРЛАРИ

МЕВА СОТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бўстонлиқ районидаги колхоз, совхоз боғбонлари юбилей йилида мўл-кўл мева маҳсулоти етиштирдилар. Етиштирилган меванн нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун районда мева сотиш плани муддатидан олдин оширib адо этилди. Ҳозиргача давлат омборларига пландаги 1300 ўрнига, 1381 тонна мева сотилди. Бу ишга Фрунзе номли, Жданов номли ва «Қизил ту» колхозлари катта ҳисса қўшдилар. Районда мева тайёрлаш давом этмоқда.

ҚЎШИМЧА 345 ТОННА

Ждавов номли колхознинг Абдуқаюм Мавлонов бошлиқ бригада миришкорлари бу йил ҳар қачонгидан кўра мўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса карам ва помидордан юқори ҳосил олиндн. Ҳар гектар ердаги помидордан 24 тоннадан ҳосил топширилди. Шунинг учун бригада йиллик пландаги 322 ўрнига ҳозиргача 323 тонна сабзавот маҳсулоти сотди.

Сабзавоткорлар айни кунларда помидор ҳосилдорлигини 36 тоннага етказиш, яна давлатга 345 тонна қўшимча сабзавот маҳсулоти сотиш юзасидан мажбурият олиб ишни жадал давом эттирмоқдалар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг Хусниддин Мухиддинов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасида картошка кавлаш ва савдо дўконларига жўнатиш қизғин. Суратда: (юқоридан пастга) техника ёрдами билан картошка қазиш. (Пастда) илғор колхозчилардан Р. Шокирова, К. Турсунхўжаевалар.

Ф. Абдурасулов фотоси.



ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини оширib адо этяптилар. Колхозда давлатга пилла, жун қатори гўшт, тухум сотиш йиллик планлари ҳам муддатидан илгари бажарилди. 54 ўрнига 57,8 тонна гўшт тайёрланди ва аҳоли дастурхонига етказиб берилди. 30 ўрнига 33 минг дона тухум сотилди.

Шу кунларда колхоз чорвадорлари пландан ташқари гўшт, тухум сотиш билан бирга сут планини ҳам тезроқ бажариш учун фермада согувчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилган.

И. РУСТАМОВ.

МАОРИФ ХОДИМЛАРИ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИГА

ЮКСАК ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ИШЛАЙЛИК

Биз, ўқитувчилар олдида ҳамиша бир масала—ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ва пухта тайёргарликка эга бўлган кишини тарбиялаш масаласи туради. Зотан, бу ҳаёт тақозоси, шу куннинг муҳим вазифасидир. Фан ва техника тез суръатлар билан тараққий этаётган бир пайтда ёш авлодга ҳар томонлама пухта билим бериш алоҳида аҳамият касб этади.

КПСС XXIV съезди ўрта умумий таълимга ўтишни таъминлаш, мактаб таълими сифатини яхшилаш, ёшларни умумий фойдали меҳнат га лаёқатли қилиб тарбиялаш вазифасини қўйди. Булар, шубҳасиз мактаб таълими мазмунига ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

Мактабларнинг янги программаларга ўтиши бу соҳада кўрилган муҳим тадбирлардан бири бўлди. Янгича ўқитиш—янгича ишлашни тақазо қилади. Бу эса умумий таълим сифатини ўқувчилар билимлари сифатини тубдан яхшилаш вазифасини биринчи ўринга қўяди.

Совет мактаби ва халқ маорифи системаси ўзининг янги юксак босқичига қадам қўйди. Шу тариқа ўқув—тарбия жараёнини бошқариш ва педагогик фаолиятга раҳбарлик қилиш методи ва усуллари ҳам мураккаблашиб бормоқда.

Олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун мактабларнинг раҳбарлари ўз вазифасига тааллуқли ишлар моҳиятини чуқур ҳис қилишлари, ўқитувчилар эса ўз фанларини яхши билишлари ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг конкрет масалаларини, метод ҳамда усулларини яхши ўзлаштиришлари лозим. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида» ги қарорида бу масалалар аниқ баён қилиниб берилди.

Таълим-тарбия ишларига янгича талаблар қўйилаётган, ўқитилаётган фанлар мазмунига ўзгартиришлар киритилаётган бир пайтда олдимизда қатор масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Қуйида шуларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўқувчига программада талаб қилинган билимларни баён қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Дарс доим қизиқарли ва мазмунли ўтиши лозим. Шунда, машғулот ўқувчиларга тушунарли бўлади. Кўринадики, таълим ишида меҳнатни илмий жиҳатдан тўғри ташкил этишда гап кўп.

Бу, биринчидан ўқитувчини олдиндан маълум мақсад билан дарсни планлаштириш ва унга яхши тайёргарлик кўришга одатлантирса, иккинчидан ўқувчиларда мустақилликни оширади. Биз ишлаб турган мактабларда бу тажриба ўзини тўла оқламоқда. Чунончи, дарслар кабинет системасига кўчирилди. Техника воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Кўргазмали қуролларсиз машғулотлар ўтказишга чек қўйилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мактабнинг ўқув базасини мустаҳкамлашда оталиқ ташкилотининг ёрдами катта бўлиши даркор. Мана, бир мисол. Тошкентдаги 19-кечки ишчи-ёшлар мактаби «Юлдуз»фирмаси ва «Ўртоқ» кондитер фабрикаси оталигида. Корхоналар ёрдами билан мактаб кабинет системасига ўтди. Улар ўқув қуролларини билан бойиди. Бунинг учун оталиқ ташкилотлари томонидан икки минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Аммо, шу билан бирга ҳали моддий базасига эга бўлмаган билим ўчоқлари ҳам бор. Уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг билим савияси паст. Синфдан ташқари ишлар олиб борилмайди. Тўғарак машғулотларини ўтказиш учун синфхоналар етишмайди.

Мактабларнинг, айниқса қишлоқ мактабларининг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу хилдаги билим ўчоқларига партия, совет, комсомол ташкилотлари, қолаберса уларни оталиққа олган колхоз-совхозлар ёки корхоналар яқиндан ёрдам беришлари даркор.

Маълумки, тузилган ўқув программалари ва дарсликлар қишлоқ ва шаҳар мактаблари учун умумийдир. Аммо, шароитни кўзлаб иш тутилса ёмон бўлмасди. Айтайлик, жамият ва табиат ҳақидаги билимларга қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бир хилда чуқур асос қўйилиши керак.

Бироқ, биология, география ва бошқа бир қатор фанларга келсак, бундай талаб қўйиб бўлмайди. Бунда жойларнинг ўзига хослиги ва мактабларнинг фаолиятига риоя қилиш зарурияти туғилаётганга ўхшайди. Чунончи, шаҳар мактабларида минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, микроэлементлар ҳақидаги тушунчани умумий тарзда бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Қишлоқ мактабларида эса, бу кундалик практика масаласи ҳисобланади. Шу сабабли бу хилдаги билимлар лаборатория тажрибаларидан фойдаланилган ҳолда, кўргазмали қилиб чуқур ишлаб чиқилмоғи керак.

Демоқчимизки, қишлоқ мактаблари шароитини инобатга олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Уларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига муштарак бўлган томонларга эътиборни қаратишнинг вақти келиб етганга ўхшайди.

Мактабларни тугатиб чиқаётган ўқувчилар турли экинлар ва чорвачиликдан, қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва механизациялаштириш асосларидан хабардор бўлишлари лозимлигини турмушнинг ўзи кўрсатиб турипти. Бунинг учун эса ҳар бир қишлоқ мактаби яхши жиҳозланган ўқув кабинетларига, устахона ва намунали тажриба участкасига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга ўқувчиларга трактор ҳайдашни, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарни бошқаришни ўргата бориш ҳам муҳимдир.

Қишлоқ хўжалик асосларига бағишланган машғулотларни олиб боришга инженер-механизаторлар, агрономлар, зоотехникларни жалб этиш ўқувчиларга берилаётган билимларнинг мустаҳкам бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шаҳар мактабларида эса корхоналар билан боғланиш кузатилган натижани беради. Шунингдек, политехник таълим машғулотларини корхоналарнинг цехларида ва участкаларида олиб бориш ўқувчида ижтимоий фойдали меҳнатга нисбатан ҳурмат ҳиссини оширади.

Умумий ўрта таълимга ўтиш катта сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамиятга эгадир. Бу, ҳар бир ўқувчига ўз қизиқиши ва майлига қараб маълум касб-ҳунарни танлаб олиши учун имконият очиб беради. Бинобарин, мактаб қучоғида ҳам ўқиб, ҳам меҳнат кўникмасини ҳосил қилган ўғил-қиз қийналмай ўзига муносиб касб танлай олади.

Ҳар бир ёш билим олиши, ўқиши керак. Бунда кечки-ишчи, қишлоқ-ёшлари мактабларининг ҳам муҳим роль ўйнайди. Сиртдан қатнаб ўқиш мактабларига ҳам ҳозирда катта эҳтиёж сезилмоқда. Кечки ва сиртдан қатнаб ўқиш мактабларига эътиборни кучайтириш билан бирга, ёшларга пухта билим бериш ҳар бир педагогик коллективнинг жонажон ишига айланиши керак.

Ўқитишнинг янги метод ва усулларига кўчиш муҳим бўлиб қолмасдан, айни бир вақтда гоят масъулиятли ва мураккаб ҳамдир. Бу ўқитувчидан кўп нарса талаб қилади. Аввало педагог ўз маҳоратини тинмай ошириб бориши керак. Москвалик бир группа илғор ўқитувчиларнинг «Ўқувчиларга пухта ва чуқур билим берайлик» деган даъвати ҳам ана шу юксак талаблар нуқтаи назаридан ўртага ташланди.

Бугун маориф ходимлари область кенгаши ўтказилади. Йиғилишда халқ маорифи соҳасидаги вазифалар белгилаб олинади. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишларини янада яхшилашда бу йиғининг муҳим роль ўйнаши турган гап.

А. ЗУННУНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

А. БЕРДИАЛИЕВ,
Бўстонлиқ районидаги 6-мактабнинг директори.

Б. ОҚСОҚОЛОВ,
Тошкентдаги 19-кечки-ишчи ёшлар мактабининг директори.

А. УМАРАЛИЕВ,
Оржоникидзе районидаги 25-мактабнинг ўқитувчиси.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

ҚОЗОҒИСТОН: СЕЛЕКЦИОН МАРКАЗ

ОЛМАОТА яқинида, Шимолий Тянь-Шань тоғи этакларида селекцион марказ қурила бошланди. Бу ерда сунъий иқлим камераси, оранжереялар, ўсимликлар физиологияси ва биохимияси, цитология, радиоактив изотоплар лабораториялари барпо этилади.

Селекцион марказ коллективи баҳори ва кузги буғдойнинг, арпа, шоли ва бошқа экинларнинг янги навларини яратиш билан шуғулланади.

ҚИРҒИЗИСТОН: ЎРИМ — ЙИҒИМ БУЮРТМАЛАРИ — МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

ФРУНЗЕДАГИ автомобиль йиғув заводининг коллективи ғалла ўрим—йиғими давом этаётган районларга «Газ-53Б» ағдарма машиналари етказиб бериш ҳақидаги катта буюртмани муддатидан илгари бажарди. Юзлаб юк машиналари ортилган темир йўл составлари Россия Федерацияси, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикаларига жўнаб кетди.

Корхона коллективи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига мусобақалашиб, қишлоқ хўжалиги учун автомобиллар ишлаб чиқариш графигини анча ошириб адо этмоқда. Йил бошидан буён пландан ташқари саккиз юз минг сўмлик автомобиль реализация қилинди.

БЕЛОРУССИЯ: БИНОКОРЛАР КУРМОҚДАЛАР

БЕЛОРУССИЯ пойтахти-Минскнинг шарқи-жанубий чеккасида қурилиш майдончаси пайдо бўлди. Бу ерда республикада энг йирик бўлган тўртинчи уйсозлик комбинати қурила бошланди. Корхона йилига саҳни 267 минг квадрат метр уй-жой қуриш қувватига эга бўлади. Комбинат квартираларнинг планлаштирилиши яхшиланган уйлар учун заводда сифатли қилиб тайёрланган деталлар ва конструкциялар ишлаб чиқаради. Цехларда энг янги технология жараёнларидан фойдаланган ҳолда конвейер ишлаб чиқаришини барпо этиш кўзда тутилади. Жумладан, қизиган бетонлардан фойдаланиш деталлар тайёрлашнинг сермеҳнатлилигини ўн процентдан зиёд камайтириш имконини беради.

Республикада уй-жой қурилишининг қудратли индустрияси вужудга келтирилмоқда. Йирик панелли ва катта ҳажмли уйлар қурадиган 12 комбинат, завод, цех ҳозирдаёқ ишлаб турибди.

(ТАСС мухбирлари).

ОЛТИН ТЎЙГА ТЎЁНА

РЕПОРТАЖ

Бундан уч ойча муқаддам пойтахтимизнинг Университет кўчасида бунёд этилаётган «Марказ-27» микрорайонига йўлим тушганди.

Очиғини айтиш керак, ўша пайтда бўлажак биноларнинг пойдеворига эндигина асос солинаётган, бетон ортган машиналар пешма-пеш қатнаб турар, кранчиларнинг ҳам, арматураларни бир-бирига улаётган пайвандчиларнинг ҳам қўли-қўлига тегмасди.

Бўлажак тўққиз қаватли бинолар ўртасида ягона коттеж бўлиб, у деярли тугалланган эди. 13-қурилиш бошқармаси прораби Наби Ҳасановни шу ердан топдик. У эндигина объектдан қайтиб, эртанги иш режаларини қоғозга тушираётган экан. Прораб билан бафуржа суҳбатлашдик, қурилишнинг боришини кузатдик. Наби ишининг боришидан мамнун эди, чунки кўпқаватли уйнинг нолевой цикли муддатидан ўн кун илгари тугалланибди.

—Субпудратчиларимиз суръатни бўшаштирмай, ўз вақтида материалларни етказиб беришса, 9 қаватли уйнинг дастлабки циклини октябрга қолмай қўлдан чиқарамиз,— деган эди Наби Ҳасанов.

Мана янги микрорайондамиз. Ажабланманг, қисқа вақт ичида шунчалик ишлар қилинибдики, кўзимизга ишонмадик. Қатор кетган икки қаватли, олди айвонли нотекис қад кўтарган, осмонўпар биноларнинг учинчи-тўртинчи қаватларида йирик панеллар монтаж қилинарди.

Эски қадрдонимиз, Меҳнат Қизил Байроқ орденли прораб Наби Ҳасановни осонгина топдик. Тиниб-тинчимас прораб участка бошлиғи Владимир Докудовский билан вагон-хонада столга энгашганча алланималарни чизар, гоҳо-гоҳо ўзаро нималар ҳақиддадир тортишиб қўйишарди. «Иш тиғиз паллада келибмиз-да», кўнгилдан ўтказдик ва бир оз кутишга қарор қилдик.

Бироздан сўнг прорабнинг «яхши-яхши» деган сўзи эшитилди-ю, ичкаридан Ҳасанов чиқди. Сўрашдик. Прораб ҳаяжонда эди. Сабабини ники оғиз сўзда тушунтириб берди:

— Машина айтиб қўйгандик. Кўряпсизми,— қўлини биноз қилиб дов-дарахтлар ортидаги бузилаётган иморатга ишора қилди — ускуналарни олиб кетишлари керак. Лекин, ҳануз-гача машина келмаяпти.

Суҳбатимиз асосий мавзуга кўчди. Прораб қўли билан сочини тараган бўлиб, мамнун ҳолда деди:

— Ишларимиз чакки эмас. Бош пудрат бўйича июль ойи плани 107 процентга бажарилди. 2-уйнинг нолевой циклини муддатидан олдин тугалладик. Энди сўз Тошкент уйсозлик комбинатида қолган. Монтажни бошлашса бўлаверади.

Қурилишлар томон йўл оламиз. Гарчи ҳали буткул битмаган бўлса-да, киши кўзини қувонтирувчи коттежларнинг кети кўринмайди. Улар беҳисоб. Ажабланиб туриб қолганимизни прораб сезди чоғи, лўнда қилиб тушунтирди.

— Кўп болалик оилаларга мўлжалланган. Ҳозирнинг ўзида 80 та квартира қуриб битказилди. Айни кунларда пардозлаш, жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Улуғ Октябрь байрамигача улар батамом қўлдан чиқарилиб, калити эгаларига топширилади.

Прораб шундай деганча бир оз ўйга чўмди. Сўнгра қўшиб қўйди.

— Коттежларда шу ерлик аҳоли яшайди. Уйларда барча қулайлик бўлиб, ҳовлидаги довдарахтларга зарар етказилмади.

Васико Харашвили бошлиқ комплекс бригада аъзолари меҳнат қилаётган объектда иш қизғин. Азаматлар биринчи уйнинг монтажини тезроқ тугаллаш мақсадида суръатга-суръат қўшмоқдалар. Барча ўз иши билан банд. Пайвандчи Салим Тошмуҳамедов, Бранислав Цой ва бошқалар сўнгги панелларни ўрнига жойлаштиришмоқда.

— Объектни сентябрь ўрталарига тугалламоқчимиз,—дейди ўртоқ Харашвили.— Керакли ускуналар вақтида келтириб турилса, қўл ушланмаса бўлгани, бу ёғини уддалаймиз.

Бригадирнинг гапига ишонса бўлади. Мана неча ойдирки, комплекс бригада аъзолари бошқармада эмас, балки 159-қурилиш трестида ҳам пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Ойлик планлар 115—117 процент қилиб бажарилмоқда. Шунинг учун ҳам бригада доимо маъмурият томонидан тақдирланиб келяпти.

Бу ерда қизғин тус олган социалистик мусобақада Петр Сургучев бошлиқ бригада коллективи ҳам фаол қатнашмоқда. Сургучев бригадаси асосан микрорайонда бунёд этилаётган барча биноларнинг инженерлик коммуникацияларини, чунончи, водопровод, канализация, электрлаштириш каби ишларни бажаради. Улар етти ойлик топшириқни 105 процент бажарибдилар.

— «Марказ-27» микрорайони пойтахтимизнинг энг гўзал, шинам кварталига айланади,— дейди Наби Ҳасанов пировардида.— Бу ерда 5 та тўққиз қаватли уй, кўплаб коттежлар бунёд этилади. Аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида кўпқаватли уйларнинг олдида сабзавот, озиқ-овқат магазинлари, 300 ўринли болалар кинотеатри ҳамда кинозали қурилади. Типовой ошхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ва бошқа қўшимча объектлар меҳнаткашлар хизматида бўлади.

Ҳозир барча техника воситаларини жамлаб, котлован қазишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда биз-қурувчилар ҳам шоли сана — СССРнинг олтин тўйига муносиб туҳфа тайёрламоқчимиз. У ҳам бўлса, 2 та тўққиз қаватли бинони муддатидан олдин битказиш ва пардозловчиларга топширишдир.

Сўзи билан иши бир бунёдкорлар ҳузуридан қайтар эканмиз, уларнинг аҳамиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Я. САЛИМОВ.



ТОШКЕНТ холодильник заводи коллективи СССР ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарликни кучайтириб, суръатга-суръат қўшмоқда. Меҳнатсеварлар ўз имкониятларини хисоблаб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча равишда 2 мингта «ОАЗИС—2» холодильниги ишлаб чиқаришмоқчи. Суратда; йиғув цехининг пешқадам слесарлари А. Гаранин, Н. Кудряшов ҳамда Э. Саъдуллаев ўртоқларни кўриб турибсиз.



ПОЙТАХТИМИЗ бадиий каштачилик фабрикаси маҳсулоти фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бу ерда тикилаётган турли нусҳадаги дўппилар, гўлкўрпа, сўзана ва чойшабларга талаб ниҳоятда катта. Суратда: техника контроли бўлимининг энг яхши назоратчиси Соҳиба Мирсандова тайёр дўппилар га корхона тамгасини босяпти. М. НУРИДДИНОВ фотолари.

ЭКРАНДА—ЛЕНИН МАЙДОНИ

Ўзбекистон кинематографчилари Тошкент қалби бўлган Ленин майдони тўғрисида фильм яратдилар. Бу—майдон билан боғлиқ бўлган воқеалар тўғрисидаги, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистонда рўй берган ўзгаришларни ўзида акс эттирган қиёфасидаги янги ҳусусиятлар ҳақидаги лўнда ва тўлқинлантирувчи ҳикоядир. Архив фондларидан ҳамда ҳозир суратга олинган кадрлар халқ тантаналари кунларида одамлар меҳнат ғалабалари тўғрисида Владимир Ильич ҳайкали ёнига келиб рапорт бериши ҳақида ҳикоя қилади.

Бу лентани илмий-оммабоп ва ҳроникал-ҳужжатли фильмлар Тошкент студиясида ёш режиссёр Бутуниттифоқ кинематография давлат институтини битириб чиққан Тимур Каипов суратга олган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

ВИЛЬНЮС, 18 август. (ТАСС мухбири). Литва республика кутубхонасининг экспозиция залида бугун ўзбек китоблари кўргазмаси очилди. Стендлар бу ерга келган китобларни Ўзбекистон ёзувчи ва шоирларининг асарлари, ўзбек, рус тилларида чиқарилган нашрлар билан таништиради.

Вильнюслик китоб шинавандаларини Литва тилида нашр этилган ўзбек адабиёти бўлими айниқса қизиқтирди. Бу бўлимда, жумладан Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарлари, халқ ижодининг тўпламлари бор. Литва ёзувчиси В. Микалаускаснинг «Оқ олтин» мамлакатида» деган йўл хотиралари китоби ҳам намойиш қилинмоқда. Бу асар Совет Ўзбекистонининг бой ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ҳикоя қилади.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ КЎПАЯДИ

КПСС XXIV съездининг халқ фаровонлигини тинмай ошириб бориш юзасидан белгилаган кўрсатмалари тўққизинчи беш йиллик топшириқларида конкрет ифодаланган. Ҳозирда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кенгайтириш, хилларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун ҳамма шароит бор. Бу соҳада маҳаллий саноат муҳим роль ўйнамоқда.

КПСС XXIV съезди Директиваларига мувофиқ 1975 йилда маҳаллий саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажми 1970 йилдагига нисбатан, 1,6 баравар, меҳнат унумдорлиги 70,3 процент ошиши керак. Бешйиллик охирига бориб ҳамма турдаги маҳсулот тайёрлаш ҳажми 35,8 миллион сўмни ташкил қилади, бу 1970 йилдагига нисбатан 2,6 марта кўпдир. Беш йиллик ичида 120 миллион сўмга яқин маҳсулот тайёрланиши керак. Яна 4 миллион сўмлик капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади, мавжуд корхоналар қайта қурилиб, қўл меҳнати ўрнини унумдор машина —механизмлар эгалляйди, буюмлар сифати яхшиланади. Булардан ташқари, умуммақсадга эришмоқ учун очилмаган резервларни топиш ва уларни ишга солиш зарур.

1972 йил — бешйиллик планларини бажариш учун бошланган социалистик мусобақа кенг авж олдирилган даврдир, чунки бу йил СССР нинг 50 йиллик юбилейи нишонланади. Маҳаллий саноат ходимларимиз ҳам, албатта, бу умумхалқ ҳаракатида актив қатнашаётирлар. Бешйиллик биринчи йили ва шу ярим йилликдаги ютуқларимиз бунга яхши замидир. Бултур маҳаллий саноат тармоқлари планини 27 декабрда бажардилар. Пландан ташқари 127,7 минг сўмлик кенг истеъмол моллари реализация қилиндики, бу 1970 йилдагига нисбатан 8,8 процент кўпдир.

Шунингдек ўтган йили қатор янги объектлар қурилиши давом этди. Кровать электротехник ўйинчоқ заводлари, тикув пахта фабрикалари қурилди. Мавжуд корхоналар реконструкция қилиниб, бунинг учун маҳаллий саноат маблағлари ҳисобидан 605 минг сўм сарфланди. Ғишт заводи реконструкция қилиниб бўлинди, йилига 7,8 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш имкони туғилди.

Оққўрғондаги тўқимачилик-галантерия ва Калинин рўзғор хўжалик буюмлари фабрикаларида реконструкция ишлари давом этди.

Қатор корхоналарда эски асбоб — ускуналар ўрнига янгилари ўрнатилди. Тикувчилик корхоналарида 40 та тикув машинаси янгиланди, 11 та махсус машина ишга солинди, иш жараёнларини механизациялаш ва янги технология қўлланиши бўйича 17 тадбир жорий қилинди. Бу эса 21 кишини бошқа ишга кўчириб, йилига шартли равишда 43,5 минг сўмлик иқтисод қилиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради.

Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятлари кўп. Шулардан фойдаланиш ҳисобига Калинин рўзғор-хўжалик буюмлари фабрикасида керамика цехи ишга туширилди. Чирчиқда ҳам шундай цех ташкил қилинаяпти. Аммо, кўпгина жойларда хомашё резервлари етарлича ишга солинмаяпти.

Юқори сифатли буюмларга бўлган аҳоли талабини тўла-тўкис қондириш мақсадида қатор корхоналар кенгаяди, янги асбоб—ускуна ва механизмлар билан қуролланади. Область ижроия комитети қарори билан Олмалиқ тикувчилик фабрикаси кенгайтирилиб, Пискент район саноат комбинати унга қўшиб берилди. Бу корхона болалар кийим-кечаги тикишга ихтисослашди. Чирчиқ шаҳар саноат комбинати ҳисобига Оржоникидзе уй-рўзғор фабрикаси йириклашди.

Аммо, қатор жойларда ихтисослаш масаласига эътибор берилмаяпти, бир корхонанинг ўзида хилма-хил маҳсулот тайёрланаяпти. Ўрта Чирчиқдаги тикув фабрикасида ҳам сувенир, ҳам металл буюмлари, ҳам пластмасса буюмлар чиқарилаётгани бунга мисолдир. Баҳоланки, ҳар бир корхонани маълум бир турдаги маҳсулот тайёрлашга ихтисослаш, асбоб-ускуна ва механизация воситалари билан қуроллашишга қараб бирлаштиришни тузиш мақсадга мувофиқдир.

Кенг истеъмол моллари сифатини яхшилашда областда қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Аммо, сифати паст бўлган маҳсулотлар ҳамон кўплаб ишлаб чиқарилаяпти. Бу йилнинг биринчи кварталида ичида Оққўрғон тўқимачилик-галантерия фабрикаси тўртта, Олмалиқ тикув фабрикаси эса учта рекламация олганлиги ачинарлидир. Бу каби корхона раҳбарлари соғ орқасидан қувиб, маҳсулот сифатига эътибор бермайдилар. Баҳоланки, маҳсулот сифатини оширмай туриб, корхона маркаси обрўсини кўтариб бўлмайди.

Тўққизинчи бешйилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги ўсиш меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига бўлади. Бу эса ишчи—хизматчилар иш малакасини ошириш, янги, билимдон кадрлар тайёрлаш, уларнинг унумли ва ташаббус билан ишлаши учун етарли шароит яратиб бериш, улар ташаббуси билан туғилган янгиликларни қўллаб-қувватлаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш масалари билан боғлиқдир. Область маҳаллий саноат корхоналарида бу борада бирмунча иш қилинди. Айтайлик, жамъи 46 киши малакасини оширди, 314 ишчи кадр тайёрланди. 28 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, ишчи-ёшлар мактабларида ўқияпти. Олий ўқув юртларини битирган саккиз мутахассис ишга олинди.

Ҳозирги вақтда корхоналаримизда СССРнинг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Ўтган олти ойлик кўрсатгичлар юбилей планлари ошириб бажарилишидан далолат беради. Жумладан, шу муддат ичида план 102,4 процент бажарилиб, пландан ташқари 166 минг сўмлик кенг истеъмол моллари реализация қилинди. Олмазор қурилиш материаллари комбинатидан ташқари барча корхоналаримиз планни бажарди. Ялпи маҳсулот тайёрлаш плани 104,9 процент адо этилди. Реализация қилиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,5 процент, ялпи маҳсулот бўйича 24,1 процент ўсди.

Кўриниб турибдики, ишчи-хизматчиларимиз юбилей йилида чакки ишламаяпти. Улар эришаётган ютуқлар кўлами ой сайин кенгаяпти.

Демак, тўққизинчи бешйиллик бўйича белгиланган кўрсатгичларга эришиш учун ҳозирдан пухта тайёрланаяпти, деб ишонч билан айта оламиз.

Область маҳаллий саноати бошқармаси бошлиғи, область Совети депутати С. МУТАЛОВ ҳикоя қилади.

ЧОРВАДОРЛАР



ПЕШҚАДАМ сут соғувчи В. Ортиқова.

СУТ БУЛОҒИ ТИНМАЙДИ

Турсунбой ака ҳар кун тонг билан бахслашиб уйғонади. Бугун ҳам сокин, икки четн азим тераклар билан ўралган қишлоқ кўчасидан ферма томон йўл олар экан, хали тонг юлдузи уйқуга бош қўймаган эди. Ўнгга бурилган ҳам эдики қаршидаги уйдан Виколина чиқиб келди.

— Салом, Турсунбой ака.

Салом, яхши дам олдингми?

— Раҳмат. Бунча барвақт безовта бўлмасангиз. Бироз дам олиб борардингиз, — деди В. Ортиқова.

У шундай деди-ю, мудир ҳар кун сут соғувчилар билан мусобақалашгандек фермага эрта тонгда келишини ўйлаб, ноўрин гапирганини англаб хижолат тортди. Орадаги сукутни ўзи бузди.

— Турсунбой ака, кеча «Калина» билан «Люстра» яна сутини оширди. «Калина» 13 литр, «Люстра» эса 14 литр берди.

Мудир сут соғувчига хурсанд бўлиб боқди.

Турсунбой ака билан Виколина ферма томон бурилишганида шўх ўйноқи Чирчиқ сувининг шарқираб оқиши қулоққа чалинарди.

Бирин-кетин Рима Кашина билан Зина Куприна, Мария Алябова билан Клавдия Шклярлар ҳам кириб келишди. Ҳамма ўз ишига киришиб кетди. Мусобақадошлар чаққонлик билан сигирлар елинига сут соғиш аппаратларини ўрнатишар, устн бироз кўпик босган ғам соғувчи рағбатлантирилади. Иссиқ сутни оппоқ окадан ўтказиб битонларга қуйишарди.

Виколина «Калина» билан «Люстра»дан яна хурсанд бўлди. «Желанная» билан «Нежная» ҳам бугун сутини бироз оширгандек кўринади. Агар иш шундай давом этадиган бўлса албатта мусобақадошн Риммадан ўзиб кетади. Зиммасига олган мажбуриятни ҳам албатта ошириб бажаради. Ҳамкасблари қолаберса бутун совхоз коллективи олдида юзи ёруғ бўладн. В. Ортиқова боқимидаги 30 сигирни соғиб бўлганида қўёш ферма деразасидан аста мўралаган эди. У сигирларни ховлига, яланглиққа қўйиб юборди.

— Фермамиздаги 174 бош соғин сигирнинг зотини яхшилашга ҳаракат қиляпмиз. Халқимизда сигирнинг сути тилида деган нақл бор. Бу молга яхши қарасанг, тўйдирсанг, зоотехника қоидаларига амал қилсанг мўл сут оласан дегани бўлади. — дейди ферма мудири Т. Худойберганов. Фермадаги иш асосан механизациялашган. Ҳамма соғин сигирларга олти сут соғувчи қарайди. Улар ўз боқимларидаги молларни яхши парваришлашади.

Илғорлар ҳақида гап кетганда мудир Виколина Ортиқова билан Зина Купринанинг номини тилга олди. Ҳар ўн кунликда мусобақага якун ясалиб турилади. Биринчи ўринни олган совриндор рағбатлантирилади. Бундан аввалги ўн кунликда совриндор Зина Купринада кетган эди. Уч кундан кейин навбатдаги ўн кунликка якун ясалади. Бу сафар Виколина Ортиқова голиб чиқса керак. Мудир бир хафталик кўрсаткичга назар ташлар экан шундай хулосага келди.

Пешқадам соғувчининг бу йилги режаси катта. У ҳар бир бош сигирдан камида 3380 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Агар иш ҳозиргидек бораднган бўлса мажбуриятини албатта бажаради. У етти ойлик планини ошириб адо этиб, ҳар бир сигирдан қарийб икки минг литрдан сут соғиб олди. З. Куприна билан М. Алябовалар ҳам ўз боқимларидаги сигирлардан салкам икки минг литрдан сут соғиб олдилар.

Пештоқига «сут» деб ёзилган машиналар ҳар кун фермадан шаҳарликларга 2000-2100 литрдан сут элтиб туради. Ҳар тонгда фермага йўл олган олти дугона кун бўйи ана шунча сут булоғини яратишади.

Ҳамрохимиз бўлим бошқарувчиси Марк Федорович Капустенко ферма мудирининг ишбилармонлигидан, соғувчи ва молбоқарлар билан инноқлигидан хурсанд бўлиб гапирарди.

— Мана бу бузоқларни фермамиз учун атайин олиб қолганмиз. Буларнинг зоти яхши, иштаха билан еяётган 5—6 ойлик бузоқчаларга ишора қилиб. —Ана, уларни эса боқимга қўйганмиз. Аввалги ойда топширганларимизнинг ҳар бири ўртача 390—400 килограммадан келди. Булари ҳам ундан қолишмайди. Биринчи ва иккинчи кварталда гўшт топшириш планини ошириб бажардик. Бундай ютуқларни қўлга киритишда сўзсиз мўл-кўл озуқа базаси яратилиши катта роль ўйнайди.

ЕМ-ХАШАК МУЛ БЎЛСА...

Шокир Болтахонов бошлиқ бригада аъзолари асосан ем-хашак тайёрлаш билан шуғулланишади. Бу бригада ишлари билан танишиш учун далага йўл олганимизда энг сўнгги картадаги жўхори ўрилиб силос қилиб олинаётган экан. Уч комбайн кетма-кет жўхориларни ўриб, бир йўла қирқиб беряпти. Абдулла Курмакаев билан Бозор Нурматов, Матқул Худойберганов ва Борис Челюскинлар конвейердан тушаётган силосларни чаққонлик билан трактор прицепига уймоқдалар. Бригадир тракторчилардан Равил Хабибуллин ва Николай Кирилов, Иван Вожов ҳамда Бой Мингалимовлар ишидан хурсанд эканлигини айтди. Ҳақиқатан ҳам бу пешқадам нигчилар экин-текиндан бошлаб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача фидокорона меҳнат қилдилар. Қандай иш топширилмасин кўнгилдагидек бажардилар. Ана шу фазилатлари учун ҳам бир неча бор совхоз маъмурияти томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирландилар.

Бригада аъзолари 72 гектар ерга маккажўхори экқан эдилар. Ҳар гектар ердан 300 центнердан кўк поя топшириш мажбуриятини олишган эди. Роппа-роса олти қунда барча майдонлаги жўхори пояси йиғиштириб олинди. Қишлик учун 1300 тоннадан зиёд силос бостирилди. 240 гектар эски бедапоянинг ҳар гектаридан 82 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Шу кунларда бедалар тўртинчи марта ўриб олиняпти. Лавлаги ва ошковоқдан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Молдар учун тўйимли озуқа ҳисобланган лавлагининг ҳар гектаридан 30 тоннадан, ошковоқнинг ҳар гектаридан эса 18 тоннадан ҳосил олинди.

Совхоз катта инженери Сейтмемед Мемедлаев ва бош агроном Евгений Афанасьевич Куприн билан 2-бригада ишидан мамнун холда орқага қайтдик. Бош агроном йўлда бригаданинг азамат аъзоларининг яна бир нечтаси номини тилга олди. Уларни ҳам албатта ёзинглар, ҳақиқий ишчилар деб қўшиб қўйди. Мана ўша бош агроном номини фахр билан тилга олган пешқадамлар: Қолдиқиз Бекжонова, Бейрон Айимбетова, Салима Абдурасулова, Лола Сотволдиева, Мурот Тўхтаев, Николай Васильков, Тан Алишев.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ўрта сарой» совхози иккинчи бўлими чорвадорлари СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик тўйига муносиб армуғон билан келиш ниятида, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида эл-юртни мўлкўл чорва маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ,
Ш. УМУРЗОҚОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.



СУРАТЛАРДА: (чапда) совхоз далаларида маккажўхори ўрими пайти. (Ўнгда) бош инженер С. Мамедлаев (чапдан) 2-бригада бошлиғи Ш. Болтахонов, бўлим бошқарувчиси М. Ф. Капустенко ва совхоз бош агрономи Е. А. Куприн ўртоқлар маккажўхори ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

И. ЗАИНИДДИНОВ
фотолари.



БИРИНЧИ ХАЛҚ ФОТОСТУДИЯСИ

Чирчиқ электр химия комбинати маданият саройининг ҳаваткорлардан тузилган фотостудия халқ студияси деган номни олишга сазовор бўлди. Бундан ўн тўрт йил муқаддам бу студиянинг бир неча ҳаваскор ташкил этган эди. Ҳозирги вақтда эса, корхона ишчи ва хизматчиларидан 75 киши фотостудияда шуғулланмоқда. Студия қатнашчилари ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг портретлар галереясини яратдилар. Бу ерда фотовистаквалар уюштирилмоқда.

Чирчиқликлар олган фотосуратлар республика фотовиставкасида, кўпгина кўрик ва конкурсларда намойиш қилинди.

(ЎзТАГ).

АГИТБРИГАДАЛАР ИЖОДИЙ КЎРИГИ

Бадиий агитбригадалар тушки танаффус пайтида, кечки дам олиш вақтида ишчи ва колхозчиларнинг меҳмони бўладилар. Ўзбекистонда икки юзга яқин шундай бригадалар бор. Бригада аъзолари ўз қўшиқлари билан илғор меҳнаткашларни мадҳ этадилар, интизомни бузувчиларни ва брак маҳсулот чиқарувчиларни кескин танқид қиладилар.

Ана шу ҳаваскор коллективларнинг СССР 50 йиллигига бағишланган республика кўригн Ўзбекистонда бошланди. Область кўрикларида голиб чиққан йигирма бригада Тошкентда ўтказиладиган мусобақанинг якунловчи даврасида қатнашади.

(ЎзТАГ).

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «Хатарли йўл» деган тўпламни босмадан чиқарди. Бу — маочилар антиреволюцион, буюк давлатчилик йўли тўғрисидаги китоб (учинчи нашр)дир.

Тўпламга совет матбуотида эълон қилинган ва Пекин раҳбарларининг антисоциалистик, буюк давлатчилик, жаҳон революцион ва озодлик ҳаракатига ёт бўлган йўли фош этилган мақолалар киритилган.

(ТАСС).

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

„ТИССА-2“ СИНОВДАН ЎТМОҚДА

БУДАПЕШТ. Экскаваторлар, кучли ер қазиш машиналари тупроқ дамбасини очиш билан Тисса суви очиқ шлюзлар орқали инсон қўли билан яратилган дарёнинг янги, уч километрли ўзанидан тез оқа бошлади. Кишкере яқинида қурилаётган Тиссадаги иккинчи энг йирик гидросистемани фойдаланиш учун синаб кўриш шу тариқа бошланди.

Гидроузелнинг уч асосий объекти — жуда катта темирбетон тўғон, кемалар қатнаши учун шлюзлар, шунингдек гидроэлектростанция қурилмалари аллақачон тугалланди. Бутун гидросистема фойдаланишга топширилганидан кейин Тисса суви билан Венгриянинг улкан Алфельд пастекислигидаги 300 минг гектардан кўпроқ қуруқ ерларни суғориш мумкин бўлади, гидроэлектростанция эса йилига 100 миллион киловатт-соат электр энергияси берадиган бўлади.

„ЛЕТ“НИНГ РЕКОРДИ

ВАРШАВА. Польшадаги «Лет» авнакомпанияси самолётлари йилнинг биринчи ярмида, дедн «Лет» бош директори В. Вилянювский Польша граждан авиациясининг ривожланишига бағишланган матбуот конференциясида, еттн юз мингдан кўпроқ кишнин ташиди. Бу эса рекордли ўтган йилнинг шу даврида ташилган пассажирлар сонидан йигирма беш процент кўпдир.

Йилнинг иккинчи ярмида эса бундан ҳам кўпроқ пассажир ташилади, чунки бир неча кундан кейин «ИЛ-18» лайнерлари мамлакатнинг ички линияларига чиқади. Бу самолётлар оммабоп ва қулай бўлган «АН—24» совет самолётлари билан бирга пойтахтдан Краковга ва Вроцлавга парвоз қиладиган бўлади.

Польша авиакомпанияси бир йилдан ҳам кам вақт ўтгач, АҚШга мунтазам рейсларни йўлга қўяди деб таҳмин қилинмоқда. Польша авиакомпанияси шу йилнинг охирида Варшава билан Мельбурн ўртасида самолётларнинг мунтазам қатнов йўлини очиши муҳим воқеа бўлади. Бу эса Европа ва Австралия қитъалари ўртасидаги энг қисқа йўл бўлади. Мельбурнгача парвоз атиги йигирма уч соат давом этади.

СОВЕТ ЛИФТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

БУДАПЕШТ. Уй-жойларга аталган совет пассажир лифтлари венгер мутахассисларининг юксак баҳосини олди. Келаси йилнёқ «Машиноэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси Венгрияга 100 та лифт юборади. Бу лифтлар тайёр элементлардан йнгилувчи замонавий уй-жойларда ўрнатилади. Уларни Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан ВХРда қурилган уйсозлик комбинатлари ишлаб чиқармоқда.



ВЕНГРИЯ. Будапештдаги «Қизил Юлдуз» трактор заводининг ишчи коллективларидан бири социалистик меҳнат цехи номига иккинчи марта сазовор бўлди. Цехнинг 104 аъзоси бўлган 12 та социалистик меҳнат бригадаси махсус автомашиналар ишлаб чиқаради. Цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар чет элларга, шунингдек Совет Иттифоқи ва ГДРга юборилмоқда. Суратда: корхона цехида.

МТИ—ТАСС фотоси.

ГЕОРГИЙ ДИМИТРОВ — ЗАМОНАМИЗ РЕВОЛЮЦИОНЕРИ

ПАРИЖ, 19. Француз журналисти Жан Меронинг Парижда прогрессив «Эдисьон сосиаль» нашриётида чиқарган китоби «Георгий Димитров — замонамиз революционери» деб аталади. Автор Г. Димитровни содиқ ленинчи, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, фашизмга қарши толмас ва эҳтиросли курашчи сифатида таърифлаган.

«Юманите» газетаси «Георгий Димитров — замонамиз революционери» китобини ўн минглаб француз коммунистлари, ёшлари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқадилар, деб таъкидлайди. «Димитровни билиш — кураш ва талаба қозонишни ўрганиш демакдир»,— деб ёзади газета.

АГРЕССОРЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

Жафокаш Вьетнам диёри Америка бомбалари, снарядлари ва миналарининг портлашларидан ҳамон ларзага келмоқда. «Ҳозир Ер курраснинг шу районида бўлаётган воқеалар, —деди АҚШ конгрессида сенатор Эдвард Кеннеди,— бутун инсониятга тааллуқли фалокатдир». Америка авиацияси қабиҳ уруш йиллари мобайнида Ҳинди-Хитой ерига 7 миллион тонна бомба ташлаганлиги шу фалокат миқёсидан далолат беради. Бу иккинчи жаҳон урушининг ҳамма фронтларида ташланган бомбалар салмоғидан уч баравар ошади.

Америка ҳарбийлари Вьетнамда бутун мавжудотни қириб юборишга қаратилган чинакам қирғинчилик уруши олиб бормоқдалар. Корнелл университети олимларидан бир гуруҳнинг ҳисоблаб чиқишича, Жанубий Вьетнамда Америка бомбардимончи самолётлари жанговар операцияларининг 10 процентигина ердаги қўшинлар ҳаракатини қўллаб-қувватлашга тўғри келади. Қолган 90 проценти бомба зарбалари тинч объектларга ва граждан аҳоли бошига ёғдирилмоқда. Америка ҳарбий-ҳаво кучлари аҳолини қўплаб қирмоқ учун золдир бомба ва контейнер бомбалар ташламоқда. Америка империалистларининг Вьетнамдаги жиноятларини текширувчи комиссиясининг маълумотларига кўра, сўнгги уч ярим ой ичидагина дамбаларнинг 58 та муҳим участкаси ва 46 та сув иншоотлари, 60 та мактаб, 32 та медицина муассасаси ва 30 ибодатхона вайрон қилинган.

Пентагон Вьетнамни ҳақиқатда одамкушлик уруши олиб бориш методлари синаб кўриладиган ўзига хос бир майдонга айлантирди. Бир қанча йиллар мобайнида Ҳинди-Хитойда дефолиантлар ва гербицидлар каби химиявий уруш воситалари кенг қўламда қўлланиб келаётганлиги ҳаммага маълум. Бунинг натижасида Жанубий Вьетнам территориясининг 15 процентн тақир чўлга айлантирилди. Ҳозир Пентагоннинг бир махфий доклади ошкор бўлиб қолди. Шундан равшан бўлишича, Америка генераллари ўтказилган тажрибалардан «гоятда мамнундирлар» ва Ер курраснининг бошқа районларида, шу жумладан Европа қитъасидаги «кризисли вазиятларда» шу тажрибадан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Курашаётган Вьетнам билан бирдамликка бағишланган ва бутун Ер курраси бўйлаб тарқалган ҳаракат барча яхши ниятли кишилар Пентагоннинг хатарли ниятлари амалга оширилишига тўсқинлик қилмоққа маҳкам бел боғлаганликларидан далолат беради. Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам муайян доиралар хушёр тортаётганлиги кузатилмоқда. Бу ерда собиқ «қаттиқ йўл» сиёсати тарафдорларининг кўплари АҚШ учун Вьетнам проблемасини ҳал этувчи фақат биргина йўл-музокаралар олиб бориш йўлигина мавжудлигини тушуна бошламоқдалар. Америка конгрессида агрессияни авж олдириш тўхтатилсин ва АҚШнинг ҳамма қуролли кучлари Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин, деган талаб тобора қаттиқроқ эшитилмоқда. Ҳозир Қўшма Штатларда бошланиб кетган сайлов олди курашида Вьетнам проблемаси очиқдан-очиқ биринчи ўринда турган масала бўлиб қолмоқда.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

БИТИМ МАЪҚУЛЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Америка конгрессининг вакиллар палатаси стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган ва шу йил май ойида Москвада имзоланган муваққат битимни катта қўпчилик овоз билан маъқуллади.

Битимни муҳокама қилиш давомида конгрессинг кўпгина аъзолари СССР билан АҚШ ўртасида эришилган келишув халқаро кескинликни янада юмшатиш учун муҳим эканлигини таъкидладилар.

КОСМИК АППАРАТ УЧИРИЛДИ

ТОКИО, 19. Бугун Японияда илмий-тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган Ернинг сунъий йўлдоши учирилди. Космик аппарат «МЮ-4С» тўрт босқичли ракета ёрдамида орбитага чиқарилди. Космик аппарат Кагосима префектурасининг Утиноурадаги космик марказидан учирилди. Бу космик марказ Токио университети ҳузуридаги космик тадқиқотлар институтига қарашлидир.

А. САЛОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Абдус Салом ЕНА агентлигининг вакилига бундай деди: Совет ҳукумати оғир саноатни ва ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини вужудга келтиришда Бангладешга ёрдам кўрсатишга тайёрдир.

А. Салом КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан яқинда Совет Иттифоқига бориб келган. БКП делегацияси составига кирган эди.

Совет ҳукумати, дейди А. Салом, Бангладеш Халқ Республикаси ўз экономикасини мумкин қадар тезроқ тиклаб олишини астойдил истайди ва шу мақсадда унга ёрдам кўрсатишга шайдир.

БКП Марказий Комитетининг бош секретари СССРда бўлган чоғида ҳамма жойда совет халқи Бангладеш халқига зўр ҳайрихоҳлик билан қараб, чуқур иззат-ҳурмат ҳиссларини билдирганлигини таъкидлади.



КИЧКИНТОЙЛАРГА ЮБИЛЕЙ СОВҒАСИ

Қорақамиш массиви шаҳримизнинг йирик қурилиш майдонларидан биридир. Янги массив қиёфаси кўз ўнгимизда ой сайин эмас, кун сайин ўзгариб бормоқда. Кейинги вақтларда бу ерда неча ўнлаб кўп қаватли маъмурий ва турар-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг бу ғарби-шимолий районида қурилиш ишлари тобора кенг кўлоч ёзмоқда, илгари бўм-бўш ётган жойларда янги-янги қурилиш ҳавзалари кўкка бўй чўзмоқда.

Куни кеча ана шу навқирон массивда қад кўтарган янги, кўркам бинолардан бирида катта ҳовли тўйи бўлиб ўтди. Тантанага ўз ота-оналари билан келган кўпдан-кўп кичкинтойлар тўпланишди. Ҳамманинг чеҳрасида шодлик, мамнуният. Ахир, уларга бу кун улкан бир даргоҳнинг калити топширилади.

Митинг бошланади. Кўпсонли ота-оналар номидан бу ерга вакил бўлиб келган Абдулла Кучмуродов биринчилар қатори сўз олади.

— Ҳурматли ота-оналар,— дейди у,— мана шу маврудда жонажон партия ва ҳукуматимизнинг ширин-шакар фарзандларимиз ҳақида кўрсатиб келаётган доимий ғамхўрлигининг яна бир шоҳиди бўлиб турибмиз. Бугун, сиз кўриб турган мана шу кўркам боғча биноси фарзандларимиз ихтиёрига берилади. Бу мен каби ҳар бир ота-она учун катта қувончдир. Чунки, энди биз ўғил-қизларимизни олисдан-олисга ортмоқлаб юрмаймиз. Муҳташам катта боғча шундоқ ёнгинамизда.

Қўли гул, азамат қурувчиларимизга балли!— дея сўзида давом этади А. Кучмуродов.— Улар қўшқават боғча биносини тез ва соз қуриб битказишди. Ҳамма хоналар, ҳовли саҳнидаги болалар ўйинадиган майдончалар жуда дид билан жиҳозланган. Қурувчиларнинг мамлакатимиз шонли юбилейи арафасида кичкинтойларга қилган бу ажойиб туҳфасидан бениҳоя миннатдормиз.

Шундан сўнг қурувчиларни, янги боғчанинг кичик мезбонларини Собир Раҳимов районидаги 12-болалар боғчасининг катта группа тарбияланувчилари муборакбод этишди, уларга даста-даста гуллар тортиқ қилишди.

Боғча биносини бунёд этган «Главташкентстрой»нинг «Ташпрофстрой» қурувчилар бригадаси номидан сўзга чиққан прораб Николай Лопатин бундай деди:

— Болаларни «ҳаётимиз гуллари» дейишади. Бу ҳаммамизга яхши тушунарли. Бизлар бугунги шодиёнада иштирок этаётганимиздан, сизларнинг қувончингизга шерик бўла олганимиздан бехад бахтиёрмиз.

Сўнгра сўзга чиққан янги болалар комбинатининг мудири Марҳамат Алиқулова йиғилганлар номидан қурувчиларга ташаккур билдириб, уларга совғалар тортиқ этди.

Митинг тамом бўлади. Кекса, ветеран ишчи Йўлдош Комилхонов қизил лентани қирқади. Ҳамма кўркам янги боғча биноси билан танишувга таклиф этилади.

...Ҳа, ота-оналарнинг қувончи ҳам бор. Боғча биноси жуда кўркам қурилган. У райондаги энг йирик болалар муассасасидир. Янги боғчада 12 группа мавжуд бўлиб, унда бир йўла 300 бола тарбияланади. Ундек меҳрибон тарбиячилар улар хизматида.

Х. ЮСИРОВ.

СУРАТДА: янги болалар комбинатининг (чапда) умумий кўриниши ва (ўнгда) дам олиш хоналаридан бири да.

А. АБАЛЯН фотолари.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

«Медицина» нашриёти Ҳ. Холматов ва З. Ҳабибовнинг «Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлари» китобини босмадан чиқарди.

Илмий медицинада ишлатилаётган дори препаратларининг 40 процентга яқини ўсимликлардан ажратиб олинади ёки улардан тайёрланади. Халқ медицинаси доривор ўсимликларга бой. Ўзбек халқи турли касалликларни даволашда 577 хил шифобахш гиёҳлардан фойдаланиб келади. Мазкур китобчада Ўзбекистон тупроғида ўсадиган 100 хилдан ортиқ шифобахш ўсимликлар ҳақида ҳикоя қилинган. Уларнинг ташқи кўриниши, ўсадиган жойи, химиявий таркиби, халқ медицинаси ва илмий медицинадаги қиммати, препаратлар тайёрлаш усуллари баён этилган.

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

«Ўзбекистон» нашриёти О. Усмонов ва Р. Дониёровнинг «Русча—интернационал сўзлар изоҳли луғати» китобини ўқувчиларга тақдим этди. Ушбу луғат кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган бўлиб, рус тилидан ва Европа халқлари тилидан ўзлаштирилган интернационал сўзлар ҳақида изоҳ беради.

Терминологик изоҳли луғат характерига эга бўлган бу асарга ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп адабиётларда, шунингдек газета ва журнал саҳифаларида тез-тез учраб турадиган сўзлар, тушинилиши қийин бўлган терминлар маъноси атрофлича тушунтириб берилган. Шу боисдан ҳам ундан газетхон ва китобхонлар ҳам унумли фойдаланишса бўлади.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

«Ўқитувчи» нашриёти бир группа авторларининг «Ветеринария асослари» китобини босмадан чиқарди. Бу дарсликни ёзишда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг олий ва ўрта қишлоқ хўжалик таълими бош бошқармаси тасдиқлаган программа асос қилиб олинган.

Дарслик бир неча йирик бўлимлардан иборат бўлиб, ҳайвонот оламини пухта ўрганишда мутахассисларга яқин маслаҳатчи бўла олади. Ушбу китоб ўрта ва олий ўқув юртлари зоотехника, қорақўлчилик факультетлари, паррандачилик бўлимлари студентлари учун ўзбек тилида ёзилган биринчи дарсликдир.

Т. ХЎЖАЕВ.

СУД ЗАЛИДАН

ҚОТИЛ

12 июль. Жуда иссиқ бўлди. Қуёш куни билан ўз кучини кўрсатди. Лекин шунга қарамай Ялламада иш қизғин эди. Юзлаб колхозчи далага чиқиб, ғўзани чопиқ қилишди, механизаторлар ғўзага ўғит ташлаб, ариқ олишди. Сувчилар сув тарашди. Мактабларнинг ўқитувчи, ўқувчилари синф хоналарини ремонт қилишди, доска-парталарни бўяшиб, мактаб майдончаларини тартибга келтирдилар. Қишлоқ жамолига жамол қўшиб, унинг шон-шуҳратини улуғлашга улуғ ҳўшишди.

Ҳамма хурсанд эди. Шу сабабли қўшиннинг иссиғини ҳеч ким сезмай қолди. Лекин қуёш энди меҳнаткаш халқ билан хайрлашишга тайёрланаётган бир пайтда даҳшатли воқеа рўй берди. Хурсандчиликнинг ўрнини қайғу алам эгаллади. Охунбобоев номли колхознинг раиси Маҳмуд Пўлатовнинг қалби уришдан тўхтади. Қотилнинг қўли отар милтиқдан отган ўқи фожиа билан тугади. Ўн бир бола ўз отасидан айрилди.

Рихсибой Эрматов қишлоқни ободонлаштиришда, хўжаликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда фаол қатнашмади. Колхознинг сувидан, ердан хоҳлаганича фойдаланди. Уставдан ортиқча томоқаға эга эди. Дала ишларига қатнашмай корандачилик қилди. 0,04 ўринга 0,095 гектар ердан фойдаланди. Онаси Болтагул Нурматова, акаси Пардабой ва укаси Норқўзилар колхозда ишлашмади. Шунга қарамай 0,12 гектар ўринга 0,33 гектар ердан фойдаланиб, артель Уставини системали равишда бузиб келдилар.

Раис бу аҳволни Эрматовлар оиласига тушунтирган. Улар ортиқча ерларини умумхалқ мулкига қўшишга розилик беришган. Лекин бу Рихсибойга ёқмади. У ҳеч кимга қулоқ солмай раисни қонунсиз сақлаб юрган шахсий ов милтиғи билан отиб ташлаган.

Яқинда Чиноз шаҳрида Тошкент область судининг жиноят ишларини кўрувчи сайёр ҳайъатининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис икки кун давом этди. Суд ҳайъати область судининг раиси М. Мақсудов раислигида, халқ маслаҳатчилари О. Мусабекова, М. Самадов, область прокурорининг ўринбосари Қ. Розиқов, адвокат М. Даминовларнинг иштирокида айбдор Рихсибой Эрматовнинг жиноий ишини кўриб чиқдилар.

Р. Эрматов суд мажлисида ўз жиноятига тўла иқрор бўлди. Суд ҳайъати Р. Эрматов томонидан содир қилинган жиноятнинг ниҳоятда оғир ва жамоат учун хавфли эканлигини ҳисобга олиб, уни энг олий жазо—отишга ҳукм қилди.

Ҳукм залда ўтирганлар томонидан якдиллик билан маъқулланди. Жиноятчи ўз қилмишига яраша жазо олди.

М. ГОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Мамлакатимизда Кукриникси номи билан машҳур бўлган рассомлардан бири — Крилов туғилганига август ойида етмиш йил тўлади. Шу муносабат билан ҳамқалам рассомларнинг «Советский художник» нашриётн яқинда босиб чиқарган «Уччовлон» номли китобидан кичик бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

●

Бир рассомнинг ўз асарини қай йўсин яратиши ҳаммага аён. Бироқ, бир асар устида бараварига уч рассом қандай ишлайди? Бундай савол билан бизга тез-тез мурожаат этиб туришади. Биз ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг дўстлигимиз ярим аср муқаддам, Москвадаги олий бадиий-техник устахонада таҳсил кўрган йилларда бошланган. Биз турли шаҳарлардан — Куприянов Тетюшадан, Крилов Туладан, Соколов Рибинскдан келган эдик.

Кўп ўтмай Куприянов билан Крилов институт деворий газетасига ҳажвий суратлар чиза бошлашди. Улар ўз суратларига «Кукри» ёки «Кукрикуп» деб имзо чекишарди. Бу вақтлар Соколов ҳали Рибинскда яшар ва ўз асарларига «Никс» деб имзо чекарди. 1923 йилдан бошлаб бу уч рассом бир ётоқхонада, яшаб, бир олий ўқув юртида ўқий бошлашди. Шу даврдан эътиборан «Кукриниксн» тахаллусли рассом пайдо бўлди. У кезларда биз бир умр ҳамкорликда ишлаймиз, деб ўйламагандик. Аммо ҳамкорлигимизнинг биринчи кунидан бошлабоқ ҳар биримиз кўплашиб, қилинган ишнинг фойдали, самарали эканлигини ҳис этдик. Бордн-ю, бирортамиз ҳамкорликда ишлашни истамаганимизда бизнинг учлигимиз аллақачон завол топган бўлар эди.

Бизнинг ҳамкорликда яратган илк асарларимиз «Комсомолия» номли ёшлар журналида эълон қилинди. Ушбу журналнинг редактори шоир А. Жаров комсомол шоир ва ёзувчилар ҳақида ўртоқлик ҳазиллари чизиб кўришни таклиф этди. Учовлон редакциянинг торгина хонасига келиб, махсус таклиф этилган адабиётчиларнинг ҳазил расмларини чиза бошладик. Сурат чизиш жараёнида шоирлардан А. Безименский, М. Светлов, А. Жаров, И. Уткин, Д. Алтаузен ҳамда у чоқлар ҳали ёш ўспирин Михаил Шолохов билан танишишга муяссар бўлдик. Бизнинг ўртоқлик ҳазилларимиз журналда босилиб чиқди.

«Комсомолия» журналидан сўнг бизнинг расмларимизни «Адабиёт постида» (На литературном посту») журнали ҳам чиқара бошлади. Бу ерда биз А. Серафимович, Александр Фадеев, Леонид Леонов, Владимир Маяковский, Фёдор Гладков, И. Сельвинский Лев Кассиль каби ёзувчилар билан танишдик. Кундан-кунга ҳамкорликда ишлашга иштиёқимиз ортаверди. Биз ҳамкорликда меҳнат қилардик, араимасгина ойлигимизни бирга баҳам кўрардик, кўпинча бирга оч қолардик. Даромадимиз доимий эмас. Лекин, барибир топган-тутганимиз умумий эди. Ҳеч ким ёлғиз ишлашга жазм этмасди.

Биз ҳажвий суратларни қандай яратамиз?

Ҳар куни эрта билан устахонага учаламиз ҳам аниқ, фикр, баъзан эса бўлғуси ишнинг узил-кесил қарорини олиб келамиз. Сўнг бу фикрларни муҳокама этарканмиз, улардан энг қизиғини танлаб оламиз, айрим деталларни бир-бирига қўшиб юборамиз. Ҳар биримиз алоҳида хомаки нусхалар чизамиз. Сўнгра бу хомаки нусхалардан энг яхшисини ажратиб оламиз. Бу бўлғуси суратнинг асоси бўлади. То ҳомаки нусха ҳар биримизга маъзур бўлиб, узил-кесил тугатилганича қўлдан-қўлга ўтаверади.

Асар устида ҳам ҳудди шу йўсинда ишлаймиз. Бир жойқарорғоҳини бориб кўрдик. Ленинград қамали ёриб ўтилгач, ҳали поезд қатнови йўлга қўйилмай туриб, Новгородга машинада бордик. Петришево қишлоғидаги Зоя Космодемьянская қатл этилган жойни кўрдик. Ҳар бир борган жойимизда аслидан этюдлар кўчирдик, хомаки расмлар чиздик, ҳужжатли материаллар тўпладик.

Биз санъаткорнинг воқеликка нисбатан шахсий қарашлари, кузатишлари ниҳоятда қимматли, деб ҳисоблаймиз. Уруш ҳақида уруш қатнашчиларининг ғаройиб ҳикояларини тинглаш, мақолалар ўқиш мумкин. Бундай асар учун нечоғлик қимматли бўлмасин, барибир ҳаётий, образли тасаввурдан ҳоли бўлади. Бирор воқеанинг ҳаётда қандай содир бўлганлигини аниқ тасаввур этиш учун санъаткор уни ўз кўзи билан кўриши, аслидан нусхалар олиши, хомаки нусхалар чизиши лозим. Фақат шу нарсагина санъаткорга чин маъноси билан ўз асарлари орқали ҳар қандай таъриф-тавсиф ожиз, фақат ҳар бир киши ўзи кузатиши лозим бўлган улкан ва гаройиб, ҳаётий ва ишончли тасвир имконини беради. Асардаги ҳамма нарса томошабинни ишонтириши лозим, асардаги ҳамма нарса гўё сўзлаб турмоғи зарур. Биргина Гитлер қарорғоҳидаги эшик деталини олиб кўрайлик. Эшикнинг ҳаддан зиёд қалинлиги, кулранг бўёғи фюрернинг сўнгги дақиқалари ҳақидаги тасаввуримизни кучайтиради.

Қарорғоҳда бўлгач, бизда «Хотима» асарини ёзиш нияти туғилди. Бироқ, у кезларда ҳали Гитлернинг қисмати номаълум эди. Унинг бирор ёққа қочиб кетгани ёки биқиниб ётгани бўлиши мумкин эди. Бу хусусда ҳар хил овозалар юрарди. Фақат «Правда» газетаси Гитлернинг сўнгги дақиқалари, унинг қай йўсин ҳалок бўлганлиги ҳақида батафсил маълумот берувчи бир немис офицерининг хотираларини эълон қилгач, биз бу мавзуга қўл уришга қарор қилдик.

Хомаки нусхалар чизилди. Устахонанинг бир бурчаги Гитлер қарорғоҳига ўхшатиб жиҳозланди, деворлар бўялди, мақсадга мувофиқ ёритилди. Натурачиларнинг кўмагига умид боғламай, биз бир-бирмизга қараб нусха кўчира бошладик. Чунки, қаҳрамонимизнинг ҳолатини ўзимиз топганимиз маъқул эди. Биз навбатманавбат Гитлер ва немис офицерларининг либосларини кийиб кўрардик. Ташқи қиёфаси Гитлерга ўхшайдиган бирор одамни топиш амри маҳол бўлди. Унга сал ўхшайдиган одам тасодифан топилди-ю, бироқ сурат чиздиришга мутлақо рози бўлмади.

Биз кино ҳужжатларига, фотосуратларга, хатто гримм қилиб, яна бир-биримизга қараб яхша чизишга мажбур бўлдик. Бундан ташқари, уруш давомида биз қаҳрамонимизни кўплаб дабдабали фотосуратларда, Нюренберг процессида намойиш этилган кинолавҳаларда кўрган эдик.

Баъзан биримиздан икки киши, айрим ҳолларда эса биримиз икки кишидан нусха кўчирардик. Асосий руҳ, умумий аниқ хулосага келгунча кўп изландик. Баъзан асарнинг каттагина қисмини бутунлай ўчириб ташлаб, қайтадан бошлашга тўғри келарди. Устахонамизда қош қорайгунча қолиб кетган вақтларимиз ҳам бўлган. Биз бирга қайгурардик, бахслашардик, яна изланишда давом этардик. Баъзан ярим кечаси уйғониб кетиб, янгидан композицион хулосалар ўйлаб топардик. Ниҳоят, суратни кўргазмага олиб кетишгач, учаламиз ҳам бирданига ҳувиллаб қолгандек бўлдик.

Зоя Космодемьянскаянинг қатл этилиши ҳақидаги «Таня» номли асарни ҳам биз янги таассурот ва аниқ ҳужжатлар асосида яратганмиз...

Узоқ давом этган ҳамкорлик натижасида бизнинг ўз ички конституциямиз пайдо бўлди. Биз бирга ишлашга шу қадар одатланиб кетганмизки, мабодо бирортамиз касалга чалингудек бўлсак, қолган иккимизнинг бемор билан бир хонада турибишлаганимиз маъқул. Бемор ишламаслиги мумкин, амма ўз ўзи иштироки, гаплари билан ишимизга кўмаклашади. Ёки бирортамизнинг якка ҳолда яратган асаримиз сотиб олинди, деб фараз қилайлик. Барибир унга тўланган гонорар одатдагидек тенг учга бўлинади. Биз шунга одатланганмиз, бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмаймиз.

Ҳамкорлик бизнинг дўстлигимизни жуда ҳам мустаҳкамлади, ҳар биримиз шахсий маҳоратимиз ҳақида қайғурамиз, лекин ҳеч ким ўз ҳолича ҳамкор бўлиб яратганимиздек яхши нарсалар бунёд этолмасди. Бизнинг даврамизда Куприянов, Крилов ва Соколовдан ташқари биз кўпроқ қайғурадиган тўртинчи рассом ҳам бор. Бу—Кукриникси. У биз учун нечоғлик керакли бўлса, ўз навбатида биз ҳам унга шунчалик зарурмиз.

Бизнинг бахтимиз ҳам шунда!

Э. УСМОНОВ таржимаси.

КУКРИНИКСИ КИМ?

Ҳар тўғрида

КИЙИК ВА ШЕР

Кийик аиҳордан сув ичиб турибди, аксига кўзи тушиб қолибди. Бир-бирига чирмашиб кетган шохларига қараб, қувонибди, аммо, оёқларини кўриб, ориқлигидан хафа бўлибди.

Шу пайт ялангликдан шер чиқиб, унга томон ташланибди. Кийик жон ҳолатда югурибди, аммо шохлари зич дарахтлар орасида илиниб, қоқонга тушган ҳолга келибди. Шердан қутилишга умидини узиб, ўзича дебди:

— Ориқлигидан хафа бўлган оёқларим қутқариб қолардию, аммо мени хурсанд қилган шохларим ҳалок қиладиганга ўхшайди!

●

ОПЕРАЦИЯ ЁРИТГИЧИ

Ригадаги травмотология ва ортопедия институти ходимларидан Я. Тимук ва Р. Кикут мияни операция қилишда операция доирасини ёритишга мўлжалланган махсус прибор яратдилар. 30 миллиметрли фокус масофали линза ҳамда цилиндрик рефлектор ёрдамида нур маълум бир нуқтага жамланиб ёритади. Бунда нур жарроҳ нигоҳига аниқ параллель ҳосил қилиб, кераклн жойга ёриқлиқ беради.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

11.00 — Кўрсатувлар программаси, 11.05 — «Аёз бобо» (бадиий фильм, ўзбек тилида).

12.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун кинофильм. 18.15 — «Энг кичик бахтиёрлар ҳақида» (фильм-концерт). 18.55 — Илмий-техника тараққиёти учун. «Фанишлаб чиқаришга», 19.30 — «Ахборот» информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.45 — «Шеърият мухлисларига», 20.00 — «Музей залларн бўйлаб» (репортаж, рус тилида). 20.20 — «Ахборот» информацион программаси. 20.35 — Қардош республикалар музика маданиятн. Қозоқ музикаси. 21.25 Қишлоқ хўжалиги бинолари телевизион халқ университети. «Усимликшунослик факультетн», 22.30 — «Қочиш» (бадиий фильмнинг 1-сернясн, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 22.00 — «Ешлик» студиясн кўрсатади. «Учишга рухсат бераман» 22.20 — Реклама.

22.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Бундай қўшиқни қайдан олай» (фильм-концерт), 20.45 — «Виринея» (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТАТРИДА — 22/VIII да Йўлчи юлдуз, 23/VIII да Имон.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/VIII да Тошболта ошиқ, 24/VIII да Меннинг жаннатим.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Гамильтон хоним — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруни).

САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 3, 5 ярим ва кеч 9.15 минутда). «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Фредди, биринчи ур! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Балашш қўшиқлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Сўнгги довон — «СПУТНИК», «ДРУЖБА», (тоқ соатларда).

Петербург бнлан хайрлашув — «САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва кеч 7 ярнмда), «ЧАЙКА», (кеч соат 6 ва 9 да).

Сангам (2 серия) — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқуруни).

Сайҳа — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруни).

Озод туғилган — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруни).

Ҳиндларнинг содиқ дўсти — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Виннету — апачлар йўлбошчиси — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 9.45 минутда).

Кулгили қиз — «МОСКВА» (кеч соат 6 ва 8.40 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Балашш қўшиқлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Гамильтон хоним — «ХИВА».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 04411. ИНДЕКС 64697. Б. 1820.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

АБДУРАИМОВНИНГ 19 ТЎПИ

«Пахтакор» — «Металлист» (Харьков) учрашувидан олдин топкентлик футбол мухлислари пахтакорчиларнинг собиқ капитани, ҳимоячи Аҳрол Иноятовни олқишладилар. СССР спорт мастери Иноятов футбол майдонларидаги ўйинларини тугатиб, тренерлик ишига ўтди. уни командадош дўстлари, республика футбол жамоатчилиги эсдалик совғалари ва гуллар билан табриклашди.

Янгидан иллқ кузатиб қўйилган шерикнинг юзини ерга қаратмаслик учунми. ёки ўйиндаги масъулиятни чуқур ҳис қилганликданми, ҳарқалай «Пахтакор» ҳимоячилари учрашувни бехато ўтказдилар. Ўйин, хусусан унинг иккинчи бўлими пахтакорчиларнинг қўли баланд ҳолда ўтди. 55-минутда Кузьмин ҳисобни очди. У олисдан тўпни мўлжалга аниқ тепди. Кейин пахтакорчилар яна икки марта муваффақиятга эришдилар. Иккала тўп ҳам Абдураимов ҳисобига ёзилди. Капитан биринчи гал қанотдан ёриб ўтиб, қийин вазиятдан моҳирлик билан фойдаланди. Ўйиннинг сўнгги минутида эса 11 метрлик жарима тўпини киритди (меҳмонлар уни штраф майдонида йиқитишгани эди). «Пахтакор» 25 ўйиндан 39 очко тўплади. Унинг ҳужумчилари 45 та тўп киритдилар. Шулардан 19 таси биринчи лига мергани Абдураимов ҳисобидадир.

Қолган учрашув натижалари қуйидагича: «Строитель» — «Динамо» — 0:2, «Помир» — «Шинник» — 0:0. «Олга» — «Текстильщик» — 0:1, «Шахтёр» (Донецк) — «Кр. Советов» — 0:0, «Автомобилист» — «Уралмаш» — 2:0, «Спартак» — «Звезда» — 3:0, «Черноморец» — «Кривбасс» —2:1.

ЯНА ДУРАНГ

Жаҳон чемпионлиги учун шахмат мусобақасининг учдан икки қисми тугади. Кейинги, 16-учрашувда рақиблар испанча ўйин услубини қўлландилар. Томонлар беш соат ичида 60 та юриш қилишга улгурдилар ва дурангга имзо чекдилар. Ҳисоб Фишер фойдасига 9,5:6,5 бўлиб қолди.

17-партия эртага ўйналиши керак. Оқ доналар Спасскийда бўлади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●